

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 722-ҳадис

1451/722 – وَفِي رِوَايَةٍ: أَنَّ أَبَا بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: كَتَبَ لَهُ الَّتِي فَرَضَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «وَمَا كَانَ مِنْ خَلِيطَيْنِ، فَإِنَّهُمَا يَتَرَاجَعَانِ بَيْنَهُمَا بِالسَّوِيَّةِ».

722A.1451. Анас розияллоҳу анҳу айтадики, Абу Бакр розияллоҳу анҳу у кишига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам фарз қилган нарсани «Моллари аралашган икки киши (ҳаққини улушига) мутаносиб равишда қайтариб олади», деб ёзиб берган экан.

Изоҳ: Масалан, моллари аралашиб кетган шериклардан бири ўша аралаш молдан умумий равишда закот беради, кейин эса берилган закотнинг қийматидаги ўз улушини шеригидан олади. Мана шу олди-берди «тарожуъ» деб аталади ва шериклик моллар билан бўладиган бошқа муомалаларда ҳам қўлланилади.

Манба: hadis.islom.uz

